



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияяга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақидаги тушунтиришга ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 15 апрелда 684/04-1-сон билан тасдиқланган Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилиниб, огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияяга алмаштирилганда ходимларга моддий мадад бериш тартиби ҳақидаги тушунтиришнинг (рўйхат рақами 720, 1999 йил 10 май) еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мисол. Меҳнат шартномаси 1 мартаңдан бекор қилиниши ҳақидаги билдирув хати билан ходим 1 январда ёзма тарзда огоҳлантирилди. Лекин, ходим билан иш берувчининг келишуви асосида ушбу огоҳлантириш муддати пуллик компенсацияяга алмаштирилди ва ходим билан меҳнат шартномаси 1 январдан бекор қилинди. Ходимга огоҳлантириш муддатига мутаносиб равишда (январь, февраль ойлари учун) пуллик компенсация ва бир ойлик (январь учун) ишдан бўшатиш нафақаси тўланди. Агарда ходим, ишга жойлашмаганлигини меҳнат дафтарчаси ёхуд электрон меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхаси билан тасдиқласа (электрон меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш [tu.mehnat.uz](http://mehnat.uz) электрон манзили бўйича электрон меҳнат дафтарчасининг ноёб рақамини киритиш ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилиш орқали амалга оширилади), Меҳнат кодексининг 67-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган иккинчи ой (февраль) учун ўртача ойлик иш ҳақини март ойида олиш хукуқига эга бўлади.

Ушбу ходим, меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ўттиз календарь кун ичида, яъни 2 январдан 31 январгача бўлган муддатда маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса ва апрель ойида бу тўғрисида меҳнат органининг маълумотномасини тақдим килса, унга учинчи ой (март) учун ҳам илгариги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.”.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.
2021 йил 04 март,
11-2021-Б сон



Хусанов Н. Б.